



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 30 май, №114 (3226)

Жума

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МОСКВА САММИТИ

МОСКВА, 29 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БО-БОЕВ хабар қилади). Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон ва Хитойнинг халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги ҳамда ўзларини қизқирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.

Кремлда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашув қатнашчилари ташкилотнинг олдинги саммитларида белгиланган вазифалар ижросини муҳокама этди. Бу боралда тай хайрли ва фойдали ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Ўтган вақт мобайнида ШХТни шакллантиришнинг ташкилий ишлари якуний bosқичга келди. Ташкилотнинг органлари, жумладан, доимий ишловчи котибят (Пекин) ва минтақавий аксилтеррор тузилмаси (Бишкек) фаолияти қонун-қоидаларини



белгилаб берадиган ҳужжатлар тайёрланди. Ташкилотнинг ижрочи котиби лавозимига Хи-

тойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуан тасдиқланди. Расмий делегациялар

иштирокидаги музокара-ларда ШХТни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқалар, коммуникация-

га оид ва қўллаб бошқа масалалар муҳокама этилди. ШХТнинг барча механизмларини имкон

қадар тез ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Музокара якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Декларацияси қабул қилинди. Президентлар муҳокама этилган масалалар бўйича эришилган келишувлар ўз аксини топган қатор қарорларга, ШХТ бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги битимга имзо чекди.

ШХТнинг галлаги саммити Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида ўтadиган бўлди. Шу билан ШХТнинг Москва саммити ниҳоясига етди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун Санкт-Петербургга жўнаб кетди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Россия Федерацияси Президенти В. Путин билан.

Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сура.

— Пахта — ўзимизники, — деди Президент уйчиликлар билан мулоқотда. — Ҳўш, қачонгача ундан тайёрланадиган кийим-кечакни хориздан сотиб оламиз? Бугунга келиб, хоризнинг илғор технологиялари асосида сифатли матолар, иглар, калавалар ишлаб чиқаришни эгаллаган эканмиз, нима учун, айтайлик, “Уйчи” ёрлиги билан эркаклар кўйлаги тикишни кенг йўлга қўймаслигимиз керак?

Долзарб мавзу

«УЙЧИ» КЎЙЛАГИ

Ўз
ПАХТАМИЗНИНГ
газламасидан
тикилади

Гап шундаки, бунинг учун имкониятлар мавжуд. Туманда йигирув-тўқув ҳиссдорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Аммо у ҳозирча ярим қувват билан ишлаяпти. Технологик жиҳозлар эскирган. Нима учун бу ерда янги машина ва дастгоҳларни ўрнатиб, замонавий технологиялар асосида, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Уйчи” ёрлиги билан эркаклар кўйлагини тайёрлаш мумкин эмас? Шундан келиб чиқиб бугун қорхонани янгилаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари қизғин кетаяпти.

— Наманганда хоризнинг “Фелда”, “Меркурий”, “Кристиан Диор” сингари жаҳон бозорига харидори чаққон эркаклар кўйлақларини ишлаб чиқариш тажрибаси етарли, — дейди “Муштарий” ҳиссдорлик жамияти мутахассиси Абдуқодир Банноев. — Чунки бундан 9-10 йил аввал жамиятимиз қошида фаолият кўрсатган “Мистер Гудбай” Ўзбекистон — Канада қўшма корхонасида йилга 600 минг дона кўйлақ тикканмиз. Уйчи йигирув-тўқув фабрикасида замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилса, ишонимизки, Наманган яна аввалги мавқеини эгаллайди.

Ҳозирги кунда Уйчида 170 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг 13 минг нафари қишлоқ ҳўжалигида, 7,5 минг нафари саноатда, 22 минг нафари кичик ва ўрта бизнес қорхоналарида меҳнат қилаяпти. Бултур 3300 та янги иш ўрни яратилди. Агар йигирув-тўқув ҳиссдорлик жамияти негизда йирик тикувчилик қорхонаси ташкил этилса, у яна юзлаб уйчилик йигит-қизларни ўз бағрига олади.

— Мавжуд кичик ва ўрта бизнес субъектлари янги иш ўринлари яратиш билан бирга, импорт ўрини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқармоқдалар, — дейди туман ҳокимининг умумқиссий масалалар бўйича ўринбосари М.Каримов. — Мисол учун, хусусий тадбиркор Авазбек Алиев тайёрлаган болалар кўпоги, шунингдек, 6 турдаги янги ичимликлар ички бозорни тўлдирётган бўлса, Абдунаби Далабоев раҳбарлигидаги “Маслар” маъсулиятли чекланган жамияти бултур 74 минг АҚШ долларлиги мебель саноатида ишлатиладиган ватинин Россия Федерациясига экспорт қилди. “Уйчиқиллоқмаш”да эса велосипед ишлаб чиқарилаяпти.

— Пахтакорларимиз ҳам ўз меҳнатининг роҳатини кўрадиган кунлар келди, — суҳбатта қўшилишти Абдулваҳид Мўминов номли ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Тоҳиржон Исмаилов. — Бугун улар ер соҳиблари сифатида далаларидан топган-тутганини ўзлари тасарруф қилаётгани шундан нишон. Энди биз уларнинг турмушини замонавийлаштириш, киши кўрса ҳавас қиладиган турар жойларда истиқомат қилишга қўмақлашимиз зарур. Туманимизда йилга 30 миллион дона маҳсулот тайёрлай оладиган тўртта гишт заводи ярим қувват билан ишлаяпти. Шу боис уларни тўла ҳаракатга келтириш юзасидан чора-тадбирларни кўрган ҳолда ширкат аъзоларида пишиқ гиштини имтиёзли нархларда етказиб беришни йўлга қўямиз. Бундан ташқари, биналар томини черепица билан ёпиш таърифасини бошлаб юбордик. Мақсадимиз шунки, янгича усулда қурилган уйлар яшашга қулай бўлсин, бешолти авлодга бемалол хизмат қилсин!

Ҳа, кишида хоҳиш-истак, изланиш бўлса, фақат ўзи ёниб қолмай, бошқаларни ҳам ёндириб ишлайдиганлар қанчалик кўпайса, имкониятларнинг кўзи шунчалик кўп очилаверади. Президентимизнинг водийга ташрифидан сўнг наманганликлар ҳам даврнинг долзарб вазифалари хусусидаги тушунчаларини янада ойдинлаштириб, янги-янги режаларни белгилаб олдилар. Мухими, уларнинг амалий саёб-ҳаракатлари туфайли ҳозирданок ана шу вазифалар рўёбга чиқмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
Иқром ЎТБОСАРОВ,
“Халқ сўзи” мухбирлари.

Олий Мажлисда



Юксак ҳуқуқий маданият

қонун устуворлигини таъминловчи омил

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳисобланади. Бинобарин жамият ҳаётининг турли жараёнларига фаол таъсир кўрсатиш, фуқароларни, барча ижтимоий гуруҳларни жипслаштириш, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ва мустақамлаш, аввало, юксак ҳуқуқий маданиятга боғлиқ.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги bosқичи ҳуқуқий маданият ва саводхонлики ҳар томонлама оширишни тақозо қилмоқда. Чунки ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод

ҳамда изчил амалий фаолият маъмурий сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли адо этилишини таъминлайди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташаббуси билан «Аҳолининг онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш йўналишлари» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатига ана шулар ҳақида гапирилди.

Анжуман қатнашчилари мамлакатимизда иқтисодий, сисёсат, давлат қурилиши,

ҳуқуқий тизим ва жамиятнинг маънавий ўзгарилиш соҳасида ўтказиладиган кенг қўламли илоҳотларнинг қонуний замини яратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давра суҳбатига аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида» қарорини изчиллик билан рўёбга чиқариш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз.

Шу сонга хабар

Ҳамишагидек, «Омад» номли фермер ҳўжалигининг (Қизилчи тумани) бу йил ҳам омади юришмоқда. Ҳўжалик 28 гектар ерда бугдойнинг чиллаки навиди етиштирган эди. Давлатга галла сотиш шартномасини бажармоқ учун «Омад»га шу майдонлардаги ҳосилнинг ярмини ўриб олиш кифоя қилди. Ҳосилдорлик чакки эмас — гектаридан 56 центнер.

«Омад»нинг омади

Сурхондарёда бу йил 96 минг гектар сугориладиган ерининг 6 минг гектариде бугдойнинг чиллаки нави етиштирилган. Бугдой ўрими вилоятнинг бир қатор туманларида бошлаб юборилди. — Бултур бизда бугдойдан мисли кўрилмаган ҳосил олинганди.

— Ҳосилдорлик гектари-га 42,3 центнерга етказилган эди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси мутахассиси Раҳмон Қамбаров. — Бу йилги ҳосилимизнинг ҳам чўғи баланд.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ишонч ёрлиқлари топирилди

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Мустафоев ГФР президенти Йоханнес Рауга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА.

«Ўзсинектанасосмаш» — юқори сифат, юксак кафолат

Чехия Республикасидаги «Инси индустриал» компаниясининг кўмаги билан бу ерда маҳсулотнинг жаҳон андозаларига мос ўнлаб турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Янги қўшма қорхонада тайёрланаётган «Мета-плюс», «Гама», «MSA», «БЕТА», «S» маркази насослар ўзининг юқори қуввати, фойдаланишда қулайлиги ва узок муддат ишлаши билан турдош маҳсулотлардан ажралиб туради. Шунингдек, қорхонада республикамизда биринчи бўлиб «Биотрон» маркази сув тозалаш иншоотлари ишлаб чиқарила бошланди.

Кеча мазкур қўшма қорхонанинг тақдирот маросими бўлди. Унга тулпанганлар ички ва ташқи бозорга жўнатишга тахт қилиб қўйилган турли ресурдаги насосларнинг сифатига юқори баҳо берилди. Ўзбек-чех ҳамкорлигининг меваси бўлган қорхонада шу йилнинг охиригача бир миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. Унинг катта қисми хоризжий буюртмалар, жумладан, Марказий Осиё республикаларида жўнатилади.

Шу кунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Р. Азимов, Р. Юнусов, Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов қўшма қорхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан танишдилар.

Ўз мухбиримиз.

Зурриёдимиз завол кўрмасин

бунинг учун йод ва темир моддаси танқислиги муаммосини ҳал этиш муҳим

Ота-она учун зурриёдиннинг соғлом, бақувват камолга етаётганини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак. Бола оғрикса, она кўзи, ота қабуради. Ҳаммадан ҳам бемор боланинг жонин кўйиладди. Бу бир оиладаги гап. Бирок Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси кеча ўтказган илмий-амалий анжуманда келтирилган далиллар нафақат оиладаги фарзандларимиз соғлиги, балки бутун дунёда катта муаммага айланган йод ва темир моддаси тақислигини, унинг оқибатлари хусусидаги масалалар баёнланди.

— Ер шарий аҳолисининг учдан бир қисми мазкур хасталикка чалинган, — деди анжуман аввалида Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа Салимова. — Касалликнинг асосан болалар, ўмирлар, туғини ёшидаги аёллар ўртасида кенг тарқалганлиги ташвишли ҳолдир.

Анжуманда қатнашган соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Асадов, Республика эндокринология

институтини директори С.Исмоиловлар ҳам йод тақислигини натижасида юзга келадиган хасталиклар, унинг ҳомилалар аёлларга таъсири, ногирон, акли заиф фарзандлар туғилиши сабаб бўлиши, бу эса халқимиз, болаларимиз саломатлигига катта халф солаётганини очик эътироф этишди. Маърузачиларнинг қайд этишича, республикамизда сунти йилларда бу муаммони ҳал этиш бўйича ЮНИСЕФ, ЮСАИД, Осиё Ривожланиш банки каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан ташқари 2001-2002 йиллар давомида Япония ҳукумати сармояси ҳисобидан Осиё Ривожланиш банки гранти лойиҳаси асосида оналар ва болалар овқатланишини яхшилаш мақсадида юртимизга 1 миллион 200 минг АҚШ долларини миқдорда маблағ ҳам ажратилган. Бу грант дастури асосида Осиё Ривожланиш банки томонидан Ўзбекистон аҳолисини боғитилган ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 33 фойзага, йодланган ош тузига

бўлган эҳтиёжи эса 66 фойзага таъминланишини амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозирги вақтда республиканинг ош тузи ишлаб чиқариш қорхоналарига 268650,99 АҚШ доллари миқдорда технологик жиҳозлар, қалий йодат моддаси ва лаборатория ускуналари ҳам келтирилмоқда.

Бирок республиканинг турли ҳудудларидан олинган ишлаб чиқариш, сотув ва истеъмолдаги тузларнинг намуналарини ўрганилганда уларнинг деврли бешдан тўрт қисмида йодланган даражаси амалдаги метёр даражаларидан паст экани маълум бўлди. Бундан ташқари сотуладиган тузларнинг 40 фойзага яқин қисмида йод элементи топилмаганлиги, бозорларга қўйлаб миқдордаги тузини тигина ҳамда мувофиқлик сертификатларисиз олиб кириш ҳоллари мавжудлиги каби салбий ҳолатлар ҳам айтилди. Анжуман қатнашчилари бундай муаммоларни ҳал этиш йўллари, ун таркибининг темир моддаси билан бойитиш юзасидан амалга оширилётган ишларга оид йўналишларда олиб борилган илмий изланишларни мувофиқлаштириш, бу муаммолар билан боғлиқ масалаларни тартибга солинадиган қонун лойиҳасини яратиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Анжумандаги бахш, мунозаралар, билдирилган таклиф, истақлар ижобатли миллатимиз манфаатига мос тушини шубҳасиз.

Уянда ФАЙЗИЕВА,
“Халқ сўзи” мухбири.

1 июнь —Халқаро болаларни химоя қилиш кун



Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сура.

Болаларга мусиқали совға

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Н.УС-МОНОВА). Болалар — мамлакатимиз келажаги. Ҳар йили бутун дунёдаги каби Ўзбекистонда ҳам 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кунини шоду ҳуррамлик билан нишонланади. Ушбу байрам арафасида бутун республика бўйлаб бола-

лар учун турли фестиваллар, шоу-концертлар, танловлар бўлиб ўтади. “Тошоша” театр-студияси ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган концерт ана шундай таъбирлардан бири.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида мазкур санатга бағишлаб

“Соғлом авлод учун” халқаро ноҳукумат хайрия жағмараси. Маданият ишлари вазирининг ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Сиз кутган имконият

Шу йилнинг май ойидан истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, «УздЭУавто» компанияси «Асакабанк» билан ҳамкорликда автомобилларни кредитга бера бошлади.

Кредитга автомобиль!

Барча қудайликларга эга, мустақим, чиройли «Нексия» эгаси бўлишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз? Аммо ўзингиз орзу қилган машинани бирдангина сотиб олишга пул топиш осонмас.

дорга анча вақтни тежаш имкониятини беради, у пул тўлашни шу ернинг ўзида амалга ошира олади. Бундан ташқари, кредитга автомобиль олишда у, албатта, сургурта қилинади.



кредитга автомашина олиш ҳақида шундай дейди: «Автомобилларни кредитга сотиш «УздЭУавто» билан ҳамкорликда амалга оширилиши катта аҳамиятга эга.

бормоқдами. Бугунги кунда республика автосалонлари сезиларли даражада жонланган.

Биз айнан шу корхонадан янги «Дамас» русумли автомобиль қадимги олаётган харидор — Йўлдош ака Манноповни сўхбатга тордик.

— Автосалонга атиги икки соат олдин келгандик. Мен оқ рангли машина олайлик, десам, ўғлим оч сариқ ранглиси бормоқда.

Шу кун «Сергелиавтотеххизмат» корхонасидан кредитга автомобиль олган кўплаб бошқа тарбиядорлар ҳам ушбу тилакларга қўшилиди.

шунтиргунларича «Сергели Автотеххизмат» корхонаси мутахассислари барча ҳужжатларни расмийлаштириб қўйишди.

Манноповлар «Дамас»ни фақат оила аъзоларининг кўпчилиги учунгина танлагани йўқ. У киши бошловчи тадбиркор.

— Машинасиз тадбиркорлик билан шуғулланиш қийин, — дейди Йўлдош ака. — Ижарага олай десанг, фойдасиз.

Энди бизнесим ҳам янада ривожланишга ишонман. Хукуматимиз биз, тадбиркорларга кичик бизнесни ривожлантириш учун барча шароитларни яратиб бермоқда.

Жамила АИПОВА.


«ТОШКОЧАВТО» МЧЖ

Самарқанддаги «СамКочАвто» заводининг ваколатли сервис станцияси бўлиб,

заводнинг техник мутахассислари билан биргеликда

2003 йил 2 июндан 10 июнга қадар ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИ

тадбирини ўтказаяди. Тадбирдан мақсад Ўзбекистонда ва Туркияда ишлаб чиқарилган «UZOTOYO» ва «OTOYO» автобуслари ва юк автомобилларини бепул техник ташхисдан ўтказиш ҳамда сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан иборат.




УШБУ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЬ СОҲИБЛАРИНИ ТАДБИРГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Тадбир вақти — 10.00дан 16.00гача. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 27-уй (мўлжал: метронинг «Собир Раҳимов» бекати, «Тошкент-Лада» худуди). Телефонлар: 115-28-91, 79-45-74, 79-54-96, 79-47-89.

БИЗ СИЗНИ! КУТАМИЗ!

Янгилик



Кичик ихтиронинг катта самараси

Чиноз туманидаги «Евони» маҳалла оқоқли Қалман Эргашев тахририятимизга келиб, ўзи ихтиро қилган «Кулф» — сўричнинг яратилиши тарихи, унинг афзалликларини ҳақиқатда гапириб берганида, очини, ҳайратимиз ошди.

— Аввало, «Кулф» — сўрич қаттиқ пластмассадан тайёрланади. У қувурларга ўрнатилган кранларга кийгизилиб қўйлади.

Кашандалик инсон танасида ўнлаб хасталиклар келтириб чиқараётганидан кўпчиликнинг хабари бор. Упка раки билан касалланганларнинг 90 фоизи чекувчилар.

Ушбу қўлимиздаги техник кенгаши янгиликда қўриб чиқилиб, ҳозирча 15 минг худдада ишлаб чиқаришга буюртма берилди.

Содиқолим ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сизга соғлиқ керакми ёки тамаку?

Инсоният саломатлигининг энг хавфли душманларидан бири тамакидир. Зеро, тахлиллар шуни кўрсатадимики, ер юзиде ҳар йили 4 миллион киши касалдалик асоратидан ҳаёт билан эрта вайолашмоқда.

Республикада аҳолиси, айниқса ёшлар чекиш ҳозирги кунда мода эмас, балки ўта зарарли иллат эканлигини тушунишлари, билишлари керак.

Чекшиш, шунингдек, юрак қон-томир касалликларини келтириб чиқарувчи хавфли омиллардан энг асосийсидир. Бу касаллик оқибатда ривожланган мамлакатларда ҳар йили бир миллиондан кўпроқ одам нобуд бўлмоқда.

Чекшиш хумори тутиб қолса, ҳар гал икки-уч марта чукур нафас олинг, pista, бодом ёки данак мағзи, майиз истеъмол қилинг.

Раҳима Чўлпонова, Саломатлик институти бўлим мудири.

31 май — Халқаро кашандаликка қарши қураш кун

Advertisement for Marshall boya paint and construction materials. Includes text: ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР, АРХИПЕНКО НАТАЛЬЯ ВИКТОРОВНА, СОТИБ ОЛАМИЗ ВА СОТАМИЗ! Манзил: Тошкент ш., «Паркент» бозори, 8-блок, 3-сектор, 18-22-жойлар. Магазин телефони: 68-54-57. Уяли телефон: 187-30-64.

Мана қирқ йил бўлди — китобни хали ҳам ўқиб тугатганим йўқ. Яхши китоб бўлса, қайта-қайта ўқингиз келадир, одам.

ҲАМ КАТТА ОЛИМ

уларнинг билимига, фидойилигига ҳайрон қоласан киши. Мен дарҳол бу китобга қизиқиб қолдим.

кутубхона билан мулоқотда бўлган одам зукко бўлмаслиги, уларнинг нуридан бебаҳра қолмоғи мумкинми? Ҳа, чиндан ҳам Абдуғофур ака бу китоблардан руҳ олиб, ўзбек элининг оқибатини кўриб қолган.

да уни олқишлагандек, домланинг ҳам билимига, ҳам нотидики санъатига тан беришиб, қарсақ чалиб юборишди. Табиийки, бундай одамнинг донолиги, зукколиги ва бошқа инсоний фазилатлари янги қариндош-уруғларига, янги талаб жияларига юкмай қоларми? Қўйингиз, Абдуғофур ака, аввал, номзодлик диссертациясини, кейин докторлик ишнинг ҳимоя қилди, уларда ва кейин эълон қилган бир қатор китобларида ҳуқуқшунослик илмининг долзарб масалаларини қўйиб, уларни ҳал қилиш бўйича амалий тақлифларни баён қилди.

илмий-тадқиқот муассасаларида ишлади, юридик институтда ва милиция академиясида маърузалар ўқиди, республикамиз мустaqл бўлгандан кейин янги Конституция лойиҳасини тайёрлашда иштирок этди.

Абдуғофур ака турли лавозимларда, ҳар хил мансабларда хизмат қилди, турли-туман юмушларини адо этди, аммо қаерда ишлаганини, қай мансабда фаолият кўрсатганини, ҳамма жойда ўз вазифасига жуда теран бир масъулият билан қаради.

сион сузда хизмат қилар эди. Мен ундан адвокат йигитга ёрдам беришини илтимос қилдим.


Шулар ҳақида ўйлаганимда, кўнгилдан бир фикр ўтади — Абдуғофур ака — ҳуқуқшунос. Бирок бу унинг биринчи касби, ҳолос. Унинг иккинчи касби ҳам бор — бу одамларга яхшилик қилиш, бирон-бир мискин ва муҳтож одамдан қўлидан келган ёрдамни аямаслик, савобталаблик.

Бутун Абдуғофур ака ўз ҳаётидаги муборак бир санади нишонлаётган. Мен бу санаднинг нима эканини айтиб ўтирмайман, чунки унинг буғунги қадди-қомати, тиниб-тинчимаслиги, фидойилиги, жонқуярдигини кўрган ҳар қандай одам мен айтганидан санана, албатта ишонмайди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қоҳирани.

Advertisement for Jizzax Viloyati Filiali. Includes text: Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ. 1. Баҳмал туманининг Усат шаҳарчасидаги касб-хунар коллежининг тажриба хўжалиги.

1 июнь - Халқаро болаларни химоя қилиш куни



Сен менинг нурийдимсан

Мэлс Султонова сал кам қирқ йилдан бери Тошкент шаҳар 101-кар болалар махсус мактаб-интернатда ишлайди. Республикада ўзбек аёлларидан илк махсус дипломага эга сурдопедагог. Булар олдий муаллимлардан фарқ қилишди. Сурдопедагогнинг вазифалари анча мушкул. У, аввало, кар болаларни талаффузга ўргатади. Эшитиш қобилиятини ривожлантиришга ерданлашади. Бунинг учун эса дефектолог ҳам бўлиши керак. Булар касб нуқтидан назардан такозо этиладиган нарсалар. Бироқ сурдопедагоглар учун ҳеч бир дарслик, қўлланмада ёзилмаган қонда бор, — дейди Мэлс опа, — уни шу соҳа филофиллари ўзлари учун «кашф» этишлари лозим. Чунки нуқсонли, кар-соқов болаларнинг феъл-атвори ниҳоятда оғир бўлади. Унинг ҳар қандай инжиқликларини кўтаришига тўғри келади. Бу сурдопедагогдан нечоғли сабрқаноат талаб этишини билсангиз эди. Неча йиллик педагогик фаолиятим давомида шу нарсага амин бўдимки, тапирмай, эшитмай, гапирмай, кўзлари мўлтиллаб турувчи бу болакайларга — юрагингни очиб, қўлинг тўридаги энг самимий тап-сўзларингни баён этсанг, у ҳам сенга юрагини, қалбинини очиб берсин. Бўлмаса шунча тоат-ибодатнинг бир нули.

Директор ҳақ гапини айтади. Муҳими, бу «қондага», аввало, унинг ўзи амал қилди, бошқаларни ҳам шунга ундайди. Унинг учун энг кувончли дам шу ердаги болаларнинг қувонган куни. Опа шу болаларни деб елиб-югурди, тиним билмайди, тинчимайди, атрофдагиларни ҳам тинчимайди. Мактаб-интернатда 210 нафар бола таълим олади, тарбияланади. Бу дегани 210 та феъл-атвор, 210 хил муомала-муносабат, яна шунча кувонч, ташвиш. Бу болаларнинг ҳар бири алоҳида дунё. Салга кўзида ёш йилтиллади, салга шондонликдан кўзлари ёнади. Оғина меҳрибончилигининг сесса яйраб кетади. Ким яхши тапирса, кўнглига қараса, ушанинг этгани тугади, кетидан қолмайди. Кўзларини жовдиратиб, «Менга ердан беринг», деяётгандек туршишни кўрган тарбиячи, ўқитувчи унга бефарқ бўлмайди. Бу ерда синф хоналари одатдаги мактабларникидан кичикроқ. Уларда бор-йўғи 8-12 бола таълим олади. Дарс ўтиш жараёнида эшитиш жиҳозларини қўлоқларига тутиб олган болаларнинг кўзи ўқитувчининг хатти-ҳаракатини, имо-ишорасида, лабларининг қимирлашида бўлади. Ҳар қандай шунга қараб сўз айтишига интилади. Бир вақтининг ўзида имо-ишора билан сурат, китоб ёки доскадаги ёзувларни ўқиб олишга ҳаракат қилади. Дарс жараёнини кузатсангиз уларнинг билим олишига, кўп нарсаларни англашга билим интилишлари шундоқ сезилди. Машгулотларнинг тугаллашини, Халқаро болаларни

химоя қилиш куни муносабати билан яқинда мазкур мактаб-интернатда ўтказилган байрамда болаларнинг чизган расмлари, тўқиган, тиккан кийимлари, ясаган турли анжомларини кўриб кўзимиз қувнади. Улар ўқув-ишлаб чиқариш устаноналарида эга бўлишар экан. Мактабдаги рақе тўғраги қатнашчиларининг Рустам Султонов, Виктория Гораненко, Ирина Шайноғдан рақе сирларини ўрганганига гувоҳ бўлдик. Бу устозлар тўғрисида рақса тушган Мадина, Ксения, Юлдуз, Дилдора, Малика, Феруза, Гузайловларнинг хатти-ҳаракатлари соғлом тенкурларидан қолишмайди. Уларнинг мусика эшитмай ўйнаётганлари ишонини қийин. Лекин руҳлари тетик, қайғилари кўтаринки, ниманидир қойиб қилаётгандек тутишди ўзларини. Шу устозлари тўғрисида Голландияда ўз рақсларини намойиш қилди. Туман «Илҳом чашмалари», «Меҳржон» вилоят кўринларига қатнашиб, юқори ўринларни эгаллади. Байрам куни бу ерда меҳмон бўлган Германия элчихонасининг маданият ва иқтисодий бўйича вакили Рабан Рихтер ҳам болаларнинг ижодига юқори баҳо берди.

Мактаб-интернатда катта бир оиладаги муҳит, шараф сезилади. Татьяна Рагулина болаларнинг саломатлигига ҳаминча парвона. Машқура Содикова, Гулчехра Ахорова, Маъфура Нурматова, Жан-Пудовиклар бу ердаги болаларнинг энг яқин кишилари. Ирина Кислицина эса ҳам психолог, ҳам дефектолог. У ҳар бир бола билан компьютерда эринмай тўғри талаффуз қилиш машгулотини ўтади. Ҳар бир болани компьютер саводхонлигига ўргатиш мақсадида мактабда компьютер хонаси ташкил қилинганда болаларнинг қувончи чексиз бўлганди. Франциялик Мерилет Лорансинг бу борадаги машгулотлари болаларга жуذا-жуذا ёқинини уларнинг кўзларидан ўқиб олиш қийин бўлмади. Шунингдек, бир неча йилдан буён бу даргоҳда болаларга инглиз тили ва халқаро «Макатон» имо-ишоралар нутқи ўргатиляпти. Тил билган болалар эса ўтган йиллар мобайнида бир неча бор АҚШ штатларида бўлишди. Бу ўқувчиларга бой таассуротлар бағишлагани шубҳасиз.

Бу ишларнинг бари ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Директор ҳар бир ишда жамоа билан ҳамфикр, ҳамнафас. Шу боис ҳам мактаб педагогик жамоасининг илгор иш тажрибаси туман, шаҳар, республика миқёсда оммалаштирилган. М.Султоновнинг муаллимликдаги «Талаффуз» дарслиги кар ўқувчиларга учун қўлланма сифатида фойдаланиляпти.

Умида ФАЙЗИЕВА, Нўмонжон МУХАММАДЖОНОВ (суратлар) «Халқ сўзи» мухбирлари.

Тўрткўз ва болакай

Уйламакми, тинглашга — Зорми, зармасми биров, Куча кезиб дейди ит Кўшиқ куйлар: — Вов, вов, вов....

Қарғар уни сомсанга: — Йўқо дейман! Чин, тентак! Ит пинасин бугмасдан Куйлаб борар: — Вак-вак-вак....

Сўнқларни яшириб, Қассов дер: «Бас! Жағи ёп!» Ит баландроқ овозда Куйлай бошлар: — Вовра вов!

Чойхоначи дарчадан Сепар унга қайноқ суя. Кўшиқ эса баттардан Аёжига минар: — Ув-в, ув-ув!!

Сўнғ алакўз кўрс новвой Кўсов ушлаб бошлар жанг. «Лул!» эгани товуни илгар, Узарар оханг: — Анг, анг!..

Хамма хайрон, Ит бирдан — Нўқта кўйди нолага. Хайлаб-искаб сўксанди Қанд ташлаган болага.

Чойхоначи ва новвой Бун кўриб сезарди. Самсапз ҳам, қассов ҳам Ҳў-ўздан қизарди.

Биринчи синфда — Қўримайсан, Мамажон? — Уқилман, аммажон. — Уқилларинг дурутди? — «Балли!» деди директор. — Нега «балли» деди у? — Шойиб келар эди у, Мен дарров йўл бўшатиб, Салом бердим ўхшатиб!

Дадамнинг калиши

Сени кийиб олишб Роса кезиб юришди. Йўлдадаги хасларни Дингал элиб юришди, Калишой. Писиди қўймай қарардинг Эз, ўзидан пастларга. Олар сени ёшида Кўшиб ўша хасларга, Калишой.

Ўзига қиёслаш

Ўхлаб ётар Беғмот. Ўшакса дер Қари От: — Бу хайовонми, Акса? — Унда, қани Тақса?!

Анвар ОБИДЖОН.

«ЎЗБЕКИСТОН» ДАМ ОЛИШ-СОГЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ҲАМИАТИ сизларни КИСЛОВОДСК ВА ЯЛТА шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сихатохларида табиат қўйнида хордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни таклиф қилади. Манзилмиз: Тошкент ш., С.Азимов к., 65-уй. Телефонлар: 133-55-18, 132-67-13, 133-64-92.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ РЕСПУБЛИКА РАССОМЛИК КОЛЛЕЖИ 2003/2004 ўқув йилига қўйидаги мутахассисликлар бўйича танлов асосида қабул эълон қилади. ранг тасвир; маҳобатли ранг тасвир; графика; лок миниатюраси; театр ранг тасвири; театр ва тарихий либос; бутафория; бадий эрим; таъмирлаш; ҳайкалтарошлик; кино ва телевидение рассоми; санатшунослик; музейшунослик. Ўқишга 9-синфни тугатган ўғил ва қизларни таклиф этамиз. Аризалар 2003 йилининг 1 июнидан 10 июлгача қабул қилинади. Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фуркат кўчаси, 6-уй (Мўлжал: «Хадра» майдони билан «Халқаро дўстлиги» майдони оралиги, «Коратон» бекати). Телефон: 45-07-65.

Table with 2 columns: Name and Position. Includes: «Халқ сўзи» «Народное слово», МУАССИСЛАР, Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ, Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ, П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ, Т. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ, М. САФАРОВ, И. ЎТБОСАРОВ, О. ҚАЙИБЕРГЕНОВ, А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ, БЎЛИМЛАР: Иктомий-сўсий хайт, Иқтисодийт, Маънавийт ва маърифат, Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар, Янгиликлар ва халқаро хайт, Котибият, Ўймонлар.

«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан тўғри чикувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига! «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ шунга маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2003 йил 26 майда тасдиқлаган № 19-03-РЎ-53-2003 й. нархлар прејскуралига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2003 йилининг 1 июнидан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 17700 сўм миқдоридан белгиланди.

Малика самолети сизларни 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш куни билан қўтлайди. Салон жамоаси бутун дунё болаларига, кичкинтой дўстларимизга мусаффо осмон, соғ-омонлик ва шоду хуррамлик тилайди. Уларни баркамол инсон бўлиб етишишларига тилақдош бўлиб қолади. Оилангиз, хонадонгизгиз гўзаллиги, бежиримлиги учун ажойиб дарпардалар, чойшаблар, тўрлар ва кўплаб зарур жиҳозлар таклиф этади. Манзилмиз: «Афросиёб» шохўчаси, 12-уй. Телефонлар: 56-33-00, 56-41-41, факс: 152-23-00.

KENWOOD Беспроводные средства СВЯЗИ СП «ТЕЛКО», тел. 137-06-86, факс 137-06-88, www.telko.uz, E-mail: telko@telko.uz. «Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 июнь, сешанба куни чиқади.

T.S TECHNOLOGY KOMPYUTERLARI KUCHLI MOLIYAVIY VOSITADIR O'zbekiston, Toshketn sh., H. Olimjon m., Poytaxt biznes markazi, G'arbiy tomon, 29, 30 ofis. Tel.: 137-72-91/92. Fax.: 137-72-98.

Table with 2 columns: Name and Position. Includes: Ўзбекистон Республикаси ИИВ, «Қўриқлаш» РБ раҳбарини ва Алоҳида милиция батальони шахсий таркиби республика «Қўриқлаш» Бирлашмаси бошлғи, милиция полковниги Азамат Юсуповга оиди; «Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси Молия-иқтисодий бозорлар ва саноат вазирлиги бош муҳабис Юнус Акилонга оиди; «Ўзбекфильм» ОТАЖ жамоаси «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси раиси Мурод Мухоммад Дўстага оиди; «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси компаниянинг собиқ масъул ходими Барно БОВОЖОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.